

Federal Assembly of Switzerland
Swiss Federal Council
Federal Department of Foreign Affairs (FDFA)
Federal Department of Justice and Police
Task Force on Asset Recovery, FDFA
Swiss Agency for Development and Cooperation, FDFA

2020 йил март

ЎҒИРЛАНГАН АКТИВЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ШАФФОФ ВА
ҲИСОБДОРЛИК АСОСИДА ҚАЙТАРИШГА ЧАҚИРИҚ

Ўзбек фуқаролик жамияти фаолларининг мурожаати

25 февралда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистоннинг марҳум биринчи президентининг катта қизи, айти пайтда қамоқ жазосини ўтаётган Гулнора Каримованинг амалдаги давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактуби [пайдо бўлди](#). Бу мактуб Гулнора Каримованинг қизи, Лондонда яшаётган Имоннинг Instagram’даги саҳифасида эълон қилинди.

Ўз мактубида у Швейцария ҳукумати Ўзбекистон ҳукумати билан Гулнора Каримованинг мазкур мамлакат суд органлари томонидан 131 миллион АҚШ доллари миқдоридagi мусодара қилинган активларини қайтариш масаласида музокаралар ўтказаетгани ҳақида гапирган.

Баёнотда Швейцария ҳукумати бу активларни тиббиёт ва таълим соҳасидаги ижтимоий лойиҳаларга беришни режалаштираётгани ҳам таъкидланади.

Биз Швейцария ҳукуматининг ушбу активларни Ўзбекистон халқиға етказилган зарарни қоплаш мақсадида қайтариш ва бу жараёнда шаффофликка риоя этишға қаратилган саъй-ҳаракатларини олқишлаймиз. Аммо шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш йўлидаги бу интилишларни етарли эмас ва уларни кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қуйидаги ҳолатлар бизнинг ташвишимизға сабаб бўлмоқда:

Биринчидан, юқорида қайд этилган музокаралар ва Каримованинг активларини қайтариш жараёни ҳақида жамоатчилик Швейцария ҳукуматидан

эмас, балки қандайдир «айланма йўллар» орқали хабар топмоқда. Швейцария бу активларни Ўзбекистонга қандай йўллар билан қайтармоқчи эканлиги борасида шаффофликнинг етарли эмаслиги Швейцариянинг ўзи иштирокида ишлаб чиқилган ва 2017 йил декабрда Вашингтонда Активларни қайтариш бўйича глобал форумда (АҚБГФ) [қабул қилинган](#) тамойилларга зид келади.

Эслатиб ўтамиз, бу тамойиллар орасида, жумладан, қуйидагилар бор: 4-тамойил. *Шаффофлик ва масъулият. Берувчи ва олувчи томонлар ўғирланган активларнинг қайтарилиши ва ишлатилишида шаффофлик ва ҳисобдорликни кафолатлайди.*

Биз Швейцария ҳукуматини активларни улар ўғирланган мамлакатга қайтариш жараёни, жумладан, Ўзбекистон томони билан музокараларнинг шаффофлигини таъминлаш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни сўзда эмас, амалда бажаришга чақирамиз.

Иккинчидан, АҚБГФнинг ўзларининг коррупцион ҳаракатлари билан ушбу активларнинг ўғирланишига кўмак берган шахсларга уларнинг қайтарилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги 9-тамойилини Швейцария ҳукумати қандай бажариши ҳам тушунтиришларни талаб этади.

Биздаги маълумотларга кўра, телекоммуникация компанияларидан таъмагирлик ва пора олишда Гулнорага шерик бўлган айрим мансабдорлар ҳали ҳам Ўзбекистон ҳукуматида катта лавозимларда ишлайди ва улар Ўзбекистонга қайтарилган активларни ишлатишда иштирок этиши эҳтимоли катта. Воқеалар яна қайтарилмаслигига кафолат қани? Бундай кафолат мавжуд эмас, чунки Ўзбекистон ҳукумати бир вақтлар Гулнора Каримова ҳукумат тузилмалари ёрдамида қўллаган коррупцион схема ва амалларга йўл қўймайдиган зарурий институционал антикоррупцион чора-тадбирларни ҳалигача ишлаб чиққани йўқ.

Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев ҳукмронлиги даврида давлат бошқарувининг энг юқори бўғинида манфаатлар тўқнашуви, пул ювиш, даромадли шартномалар, лицензия ва давлат назоратидаги мулкларни ношаффоф бўлиш билан боғлиқ қатор можаролар кузатилмоқда. Бунинг ёрқин мисолларидан бири шуки, Ўзбекистон ҳукумати Гулнора Каримованинг мамлакат ҳудудидаги мусодара этилган активларидан қандай фойдалангани ҳақидаги маълумотларни эълон қилмади. Жумладан, ушбу активларнинг бир қисми - тоғ ҳудудидаги Сижжак курорт комплекси 2019 йил

июлда президент оиласи аъзоларининг назоратига берилишига [тайёрлангани маълум бўлди.](#)

Бошқа факт. 2018-2019 йилларда Тошкентнинг ҳозирги ҳоқими аралашган «Тошкент сити» халқаро бизнес маркази қурилишини офшор зоналар ва ношаффоф мулк тузилмалари орқали молиялаштиришга оид шубҳали схемалар тўғрисидаги қатор журналистик суриштирувлар [ЭЪЛОН қилинди.](#) Танқидларга жавобан олигарх ҳоким мамлакат ҳукумати Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритаётган компанияларнинг нималарга эгаллигини текширишга мажбур эмаслигини билдирди. Бу баёнот Ўзбекистоннинг пул ювишга қарши курашиш тўғрисидаги [қонунига](#) зид келади ва пул ювиш амалиётини рағбатлантиради. Ҳокимнинг мазкур баёнотига ўша пайтда инвестиция ва ташқи вазири ҳамда иқтисодиёт ва саноат вазирининг икки ўринбосари ҳам қўшилганди. Шу йўл билан Ўзбекистон ҳукумати нафақат пул ювишга қарши курашмоқда, балки уни рағбатлантиряпти. Эътиборлиси шундаки, қўлга киритилган маълумотлар ва пул ювишни оқловчи юқорида қайд этилган баёнотга қарамай, 2019 йил декабрь ойида ҳоким яна Ўзбекистон Сенати аъзолигига сайланди.

Бу каби энг янги мисоллардан бири 2020 йил январининг охирида Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан пойтахтнинг энг нуфузли ҳудудларидан бирида жойлашган «Shodlik Palace» меҳмонхонаси мажмуининг 2019 йил декабрь ойида ташкил этилган ва рўйхатга олинган Ofelos Plaza компаниясига ихтиёрига берилишидир. Гарчи маҳаллий матбуот ушбу фирма ортида президент оиласи аъзоси турганини [иддао қилганига қарамай](#), ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳеч қандай муносабат билдирмади.

Бундай коррупцион схема, непотизм ва ҳукумат назоратидаги ресурсларнинг ношаффоф тақсимланишига оид мисоллар Ўзбекистонда жуда кўп ва улар сони кундан кун ортиб бормоқда. Бу эса Швейцария томонидан ижтимоий лойиҳалар учун қайтариладиган активлар қандай схемалар бўйича тақсимланади, деган саволни ўртага чиқаради. Зеро, 48 миллион доллар ҳажмидаги ўғирланган активлар Қозоғистонга қайтарилиб, собиқ президентнинг қизи Дариға Назарбоева назоратидаги тузилмалар бошқарувига берилгани борасида ўтказилган журналистик [текширув](#) маълумотлари ҳали эсдан чиққани йўқ. Шунга ўхшаш воқелик Ўзбекистонда юз бермайдими?

Қайтарилаётган активлардан фойдаланишда суиистеъмолликларга йўл қўймаслик учун мустақил фуқаролик жамиятининг мониторинги ва

жамоатчилик назорати зарур. Қолаверса, АҚБГФнинг бошқа бир тамойили ҳам шунга чақиради: *10-тамойил: Ноҳукумат ташкилотларнинг иштироки. Ноҳукумат ташкилотлар ва ташкилотлар ҳамжамиятининг активларни қайтариши жараёнида иштироки, жумладан, зарарни қандай бартараф этишни аниқлашга, шунингдек, активларни қайтаришининг шаффофлиги ва унга масъулиятли муносабатда бўлиши, уларни идора қилиши ва бошқаришига кўмаклашиши рағбатлантирилиши керак.*

Аmmo муammo шундаки, Ўзбекистонда давлатдан мустақил, вакиллари мониторингни ўз зиммасига олиши мумкин бўлган учинчи сектор мавжуд эмас. Мамлакатда Ислom Каримов давридан буён фуқаролик жамиятининг ноҳукумат ташкилотлари тузилиши ва фаолият юритиши чекланган. Нисбатан беозор ташаббус гуруҳларини рўйхатга олиш рад этилади. Антикоррупцион йўналишдаги ташкилотларни айтмаса ҳам бўлади – мамлакатда бундай ташкилотлар деярли йўқ.

Шу муносабат билан биз Швейцария ҳукуматини Ўзбекистон фуқаролик жамияти фаолларини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва коррупцияга қарши кураш соҳасига ихтисослашган халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва экспертларни активларни коррупция жараёндилари манфаатлари йўлида қайтариш шартларини муҳокама қилишга жалб этишга чақирамиз.

Хулосалар

Шундай қилиб, мамлакатда қайтариладиган активлардан коррупциядан холи фойдаланиш шароитлари ҳозирча мавжуд эмас. Давлат тизими ўта коррупциялашган, манбаси биринчи навбатда президент оиласи бўлган непотизм ҳукмрон, ниҳоят, мустақил фуқаролик жамияти фаолияти учун шароитлар йўқ.

Бундай вазиятда активларни улар ўғирланган мамлакатга қайтариш тегишли шароитлар яратилгандан сўнг амалга оширилиши лозим. Ўзбекистонлик фаолларнинг 2018 йилдаги мурожаатида Швейцария ҳукумати ва ўзбек активлари жойлаштирилган бошқа мамлакатлар айнан шунга **чақирилган** эди. Қайтарилган активлар олигархлар, президент оиласи ва соядаги тузилмалар томонидан яна ўғирланмаслиги учун ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон ҳукумати антикоррупцион механизмлар ва қонун устуворлигини ўрнатиши керак. Агар бундай шароитлар яратилмаса ва, энг ёмони, бизнинг хавотирларимиз ўз тасдиғини топса, Швейцария ҳукумати коррупцион

схемалар иштирокчисига айланиши ва ўзинг халқаро нуфузига путур етказиши мумкин.

Швейцария ҳукумати Ўзбекистон ҳукуматининг коррупцияга қарши ислоҳотлар ўтказилиши тўғрисидаги оғзаки ваъдаларига умуман ишонмаслиги керак. Бу ҳукуматнинг ваъда бериши осон, ҳатто у кейинчилик бажаришни «эсдан чиқариб кўядиган» прогрессив қонунларни ҳам қабул қилади. Масалан, 2019 йилда икки йилга мўлжалланган антикоррупцион ислоҳотлар дастури қабул қилинган эди. Аммо орадан қарийб бир йил ўтса ҳамки, уни амалда бажариш аломатлари кўринмайди.

Бу эса сўз ва иш бирлиги йўқлигига яна бир далилдир. Шунинг учун Швейцария ва активларни сақлаб турган бошқа мамлакатлар Ўзбекистоннинг оғзаки ваъдалари ва ёзма мажбуриятларига эмас, балки, биринчи навбатда, амалий ишларига эътибор қаратиши керак. Шундагина активларнинг қайтарилиши жараёни реал ўсиш ва мамлакатни барқарор ривожлантириш мақсадларига эришишга кўмак бўлади.

Умида Ниёзова, Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми директори, Берлин, Германия, umida.niyazova@gmail.com (алоқа қилинувчи шахс)

Фарида Шарифуллина, фуқаролик жамияти фаоли, Ўзбекистон
Азимбой Отаниёзов, фуқаролик жамияти фаоли, Ўзбекистон

Мурат Уббиниязов, фуқаролик жамияти фаоли, Ўзбекистон

Алишер Таксанов, журналист, ўзбек сиёсий эмигранти, Швейцария резеденти
Фарид Шарифулин, фуқаролик жамияти фаоли, Ўзбекистон

Дилобар Эркинзода, ўзбек сиёсий эмигранти, Швеция резеденти

Шоҳида Тўлаганова, журналист, Буюк Британия резеденти

Улуғбек Ҳайдаров, журналист, собиқ сиёсий маҳбус, Канада резеденти